



Маҳалла

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

2

- Гўриавваллик маслаҳатчи ибрати
- Саодатли Салтанатхон

3

- Юртимизга байрамлар, халқимизга ҳашарлар ярашади!

4

- Баҳор келиб баҳри-дилимиз очилди...
- Манзилларни, кўнгилларни туташтирган кўприк.

ҚУЁШДЕК МУНАВВАР, БАҲОРДЕК ЛАТОФАТЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Муҳтарама онахонлар!
Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!
Барчангизни 8 март — Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан саясий қутлаб, сизларга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.**

Бу байрам юртимизга ҳар йили баҳор фаслининг илк даракчиси каби кириб келади ва биз уни Меҳр-муҳаббат, нафосат айёми сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Ва шу байрам тимсолида Баҳор ва Аёл тушунчаларининг нақадар уйғун эканини, бир-бирини нечоғли маъно-мазмун билан тўлдирганини яна бир қарра англаймиз, дилдан ҳис этамиз.

Агар мендан, бу ҳаётнинг гўзаллиги ва бетакрорлиги нимада, деб сўралса, ҳеч иққиланмасдан, Яратганнинг бекиёс мўъжизаси бўлмиш сиз меҳрибон аёлларимизнинг назоратида, вафо ва садоқатида, сизларнинг сиймонгиздан таралиб турадиган нур ва эзгуликда, мунис оналаримизнинг қалб соҳаватида, деб жавоб берган бўлардим.

Азиз опа-сингилларим, аввало, сизларнинг чексиз сабр-бардошингиз, сеҳрли қўлларингиз, тинимсиз меҳнатингиз ва ҳаракатларингиз билан хонадонларимиз обод, кўнгилларимиз шод. Фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, дилбанди учун жонини ҳам аямайдиган, ҳаёт давомийлигини асраб келаётган сиз, қадрдонларимизнинг ҳар бир кунингиз том маънодаги фидойилик намунаси.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини оймайлик — оддий оилани рўзғорини тебратибдан тортиб давлат ва жамият қурилишига, иқтисодийни ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётига — бу соҳаларнинг барчасини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги кунда янгилашни ва юксалишни йўлидан бораётган Ўзбекистонимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва унинг самарасини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Аёлларимизнинг кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида, демократик жараёнларда, нодавлат ташкилотлар фаолиятидаги роли ва ҳиссаси тобора ортаётгани барчамизни қувонтиради.

Шулар қаторида опа-сингилларимиз табиатнинг ўзи ато этган мураббийлик ва тарбиячилик фазилатларини, ақл-заковат ва ғайрат-шижоатини намоён этиб, хонадон-

ларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида, бутун жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни осуда ҳаётимизга таҳдид солаётган турли хавф-хатарлардан асраш борасида жон куйдириб меҳнат қилаётганлари айниқса таҳсинга сазовор.

Шу билан бирга, биз қонунчилигимизда, қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аёллар учун белгилаб берилган имконият ва имтиёзларни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш учун жойларда ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам яхши тасаввур этамиз.

Бу ҳақда гапирганда, фақат аёл зоти бажара оладиган ишлар — бу хоҳ оилавий юмушлар, фарзанд тарбияси бўлсин, хоҳ даладаги меҳнат, хизматдаги вазифа бўлсин — ана шу меҳнатнинг қадрига етиш, уни муносиб баҳолаш, турли минбарлардан аёллар шаънига айтилаётган чиройли гапларни амалда рўйбга қиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини энгил қилиш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш айна муддао бўларди.

Шу мақсадда оилаларнинг даромадини кўпайтириш, ижтимоий масалалар — аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги уй-жойлар қуриш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш борасида амалга ошираётган барча ишларимизни шу йўлдаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилишимиз зарур.

Азизларим, сизларни яна бир бор зеболик ва нафосат байрамингиз билан муборакбод этаман.

Бугунги байрам шодиёнасида сиз, муҳтарама аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беминнат меҳру муҳаббатингиз учун ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди.

Иқболингиз баланд, умрингиз узок, ризку насибангиз зиёда бўлсин!

Бахтимизга доимо омон бўлинг, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янда ошириш ва меҳнатини қадрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.*

АСКАР ОНАЛАРИ АНЖУМАНИ

Юртимизда рўй бераётган муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий ўзгаришларни хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, ҳар бир оиланинг бахт-саодати, юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги замирида ҳам оналарнинг чексиз меҳри, муҳаббати ётади. Чунки, Ватанга содиқ мард ва жасур ўғлонларни, Куролли Кучларимиз сафида хизматини шараф билан ўтаётган аскарларни ҳам ана шу мунис ва меҳрибон оналар камолга етказган.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Марказий офицерлар уйида ўтказилган аскар оналари слётида ана шу хусусда сўз юритилди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар, аскарларнинг оналари иштирок этди.

Анжуманда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, генерал-майор Б.Тошматов, Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири А.Орипов, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев ва бошқалар армия билан халқ бирдамлиги тобора мустаҳкамланиб бораётгани, ҳарбий хизматнинг нуфузи ошаётгани, жамоат ташкилотлари, жумладан, оналарнинг ҳарбий хизматчилар ва ёшларни миллий истиқлол гоёси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари катта эканини таъкидлаб, аскар оналарини Халқаро хотин-қизлар кунини — 8 март байрами билан саясий табриқлади.

**Т.БОТИРБЕКОВ,
Уза мухбири.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервага; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилин.

2. 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Куролли Кучлар сафида чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.Обидов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) бир ҳафта муддатда «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервиге бўшатирилган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва ҳолисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Куролли Кучлардан бўшатирилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгалланган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Куролли Кучлар Бирлашган штаби (И.Эргашев), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак ушшоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервигидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларини сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётини фазилатларини шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилишни, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминласинлар.

6. «Узтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов)га чақирилувчиларни Куролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервигидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Куролли Кучлардан резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни жойларда қўйиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш таъминласинлар.

7. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Қотиби Р.Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 4 март



Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Тажрибали муҳрирлар: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25

Хомий: «Матбуот тарқатуви» ҳиссасдорлик жамияти

Масъул қотиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Р.» — белгисиз остида реклама-тижорат мақодалари берилди.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрият жамғармаси республика бошқаруви,
«Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

ОБОД ЮРТИМ

Улкамизга баҳор кириб келди. Ҳамма жойда ҳовиларни, кўча ва йўлларни тартибга келтириш, сувориш тармоқларини тозалаш ишлари аваж олиб кетди. Вилоятимиз меҳнат аҳли ҳам тозалик ва ободончилик икки ойлигида фаол иштирок этмоқда.

— Туманимиздаги 37 та маҳаллаларда 88 мингга яқин аҳоли яшайди,— дейди "Маҳалла" жамғармаси Хўжаобод тумани бўлинмасининг раиси Каримжон Усмонов.— Бугунги кунда ана шу аҳолининг ишга яроқли қисми маҳаллаларни гузал ва обод қилишда астойдил иштирок этмоқдалар. Тумандаги барча қабристонларни ободонлаштириш режалари ҳам белгиланган бўлиб, қатор юмушлар авж олдирилмоқда.

Тошкент—Уш йулининг Боғишамолдан "Дўстлик" божхона постигача бўлган қисминини ободонлаштириш ва кўкчалмазорлаштириш ишлари ҳам туман меҳнаткашларига топширилган. Ҳозир бу соҳадаги ишлар анча қизиқ кетди. Тумандаги ҳўжалик, қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари ўзларига белгиланган участкаларда барқариб меҳнат қилмоқдалар.

Узоқбой САКСОНБОВ

Хоразм вилояти



Ургач шаҳридаги Ал-Хоразмий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анабиби опа Маткаримова ўзининг хайрли ишлари, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги билан элнинг назарига тушган. Айниқса, унинг кейинги йилларда маҳалла фаолиятини, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш борасида амалга ошираётган тадбирлари эътиборга сазовор. Раиса фаолиятидаги бундай ўзгаришлар давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди — у "Эл-юрт хурмати" орденига сазовор бўлди.

Айни пайтда А.Маткаримова байрамолди тадбирлари билан билан. У маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийларини совға-саломлар билан йўқламоқда.

СУРАТДА: А.Маткаримова (ўнгдан биринчи) фаоллар билан маҳаллада яшовчи II Жаҳон уруши қатнашчиси Исмоил ота Ҳожиёвни қутлуг 85 ёш билан табриклямоқда.

Қадимбой ОТАЕВ олган сурат.

Аёл шижоати

Тошкент шаҳри

САЛТАНАТ ОПАНИНГ БОЙЛИГИ

Қадимги рўзгор буюмлари, миллий либосларни йиғиб-ўз хонадонинда шахсий музейини очган санъаткор, меҳнат фахрийси, "Шуҳрат" медални соҳибаси, "Камалак" фольклор-этнографик ансамбли раҳбари Салтанат Сиддиқовани республикада кўпчилик танийди.

— Келажак авлоднинг юрт тарихини ўрганишда мен туپлаган қадимий буюмларнинг ҳам озгина ёрдами тегса, деб орзу қиламан, — дейди Салтанат опа.

Унинг уй музейида сохибкирон Амир Темур даври эсдаликларидан тортиб ота-боболардан қолган қумғонгача борлигини кўриб ҳайратга тушасиз.

Ҳа, Салтанат опадаги ғайрат-шижоат, чеварлик, интилувчанлик ва кизиқувчанлик, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат-эътибор, нигоҳидаги фойз-тароват етмиш ёшдан ошган бу аёл қалбидаги орзуларнинг ҳали ҳам гуриллаб, оловлашиб турганидан далолат. Умр Салтанат опанинг сочларига киров кўндиришга улгурган бўлсада, унинг эзгу мақсад ва орзуларига заррача бўлсада ўз таъсирини ўтказа олмаган. "Мана бу қуроқ жойишни кечагина тикиб тутагим", дея олдимизга ёйиб ташлаган катта чойшабини кўрганымизда Салтанат опанинг ҳали ҳам тиниб-тинчимаслигига амин бўлдик.

Салтанат опанинг босиб ўтган ҳаёт йўлидан ҳам ибрат олса арзийди. Ун икки фарзанднинг онаси, элик беш набиранинг бувижониси ҳозирги кунда уларнинг хурсандчилиги, ғам-ташвишларига шерик. Айни ёшлик йилларидаги куч-ғайратини меҳнатга,

санъатга сарфлаган, кўп йиллик фаолиятини бунёдкорлик ва миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш, уларни авайлаб асраш ишига бағишлаган Салтанат опани хукуматимиз "Шуҳрат" медал билан тақдирлади. Бундан ташқари миллий лапарлар, алла, ёр-ёр, келин миллим каби унутилиб бораётган нобъ удумларимизни тиклаш ва халққа етказишда, чеварлик, ўзбекиона миллий кийиниш маданиятимизни бойитишда ҳам опа анча фаол.

"Алла" 2-анъанавий Республика кўрик-танловининг қолиби, Туркияда ўтган Жаҳон фестивалининг икки бор қатнашчиси, жаҳонгашта аёл Салтанат опа ҳозирги кунда Акмал Икромов туманидаги Богистон маҳалласида жойлашган "Камалак" фольклор-этнографик ансамблининг раҳбари. Бу ансамбл, тўй ва тантаналарда, миллий байрамларда ўзининг миллий айтишуви, лапар ва ўланлари билан эл олқишини олмоқда. Салтанат опанинг уй музейидан қўшни вилоятлар, шаҳар ва пойтахт ҳамда хориж савҳатчиларининг қадами узилмайди.

— Музейга марҳум ҳинд актриси Раж Капур, Кашпировский, Ҳиндистондаги Урдай шаҳри ҳокими, Хитой, Япония, Америка сайёҳлари таширф буюришган. Хатто улар минг машаққат билан йиққан кўхна



буюмларимни сотиб олиш учун жуда катта миқдорда пул ҳам тақлиф қилишган. Мен эса кўнмадим. Чунки арзимас матоҳдек кўринган бу буюмлар аждодларимиздан қолган қимматли ёдгорлик, — дейди Салтанат опа.

Дарҳақиқат, маънавияти, миллий қадриятлари, миллий удумлари сақланиб қолмаган халқнинг маданияти ҳам ҳеч қачон юксалмайди.

Салтанат опа яқин кунларда музейини кенгайтириш, тўғрироғи янги музей очиш учун ҳаракатида.

Марям АХМЕДОВА

Яккасарой туманидаги **Ракат маҳалласида ажойиб хонадон бор.**

НУРЛИ ХОНАДОН

Ҳақиқатдан ҳам ушбу оилада бўлсангиз юз-кўзларидан нур ёғиб, хонадонга фойз қилиб турган 80 ёшли Машхурахон аяга ҳавасингиз келади. Онахон анча йиллар аввал уйдо-оши Абдусид отанинг вафотидан сўнг беш фарзанди билан бева қолганди.

Бироқ ая ҳаётнинг бундай аччиқ синовлари олдида эсанкираб қолмади. Халол меҳнат қилиб фарзандларини вояга етказди, уйли-жойли қилди. Айни пайтда онахон ўн беш неварга, ўн беш чеваранинг севимли ва меҳрибон бувижониси.

Энг асосийси, Машхурахон ая қарилгани тан олиб ҳузур-ҳаловатда оёқ узатиб ётишни хуш кўрмайди. У маҳалланинг қайвони онахони. Бу ерда ўтадиган катта-кичик тадбирларга бош. Шу боис бўлса керак, кўни-кўшилар, маҳалла хотин-қизлари кўпгина масалаларда аянинг жўяли маслаҳатларига суянишади.

— Мен эскидан маҳалла одамлари орасида урф бўлган қариндошлар орасидаги никоҳга доимо қарши чикаман, — дейди ая. — Бу ҳақда фарзандларимга, яқинларимга, кўни-кўшни ва ма-

ҳалладошларимга уқтираман. Хукуматимизнинг бу иллатни бар-тароф этишга қаратилган алоҳида чоралар кўраётгани ҳам қувонтиради кишини. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, одамларимиз орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, бугунги ҳаётимизда учраб турадиган юқоридаги каби салбий ҳолатларни йўқотишда биз қарияларнинг ҳиссамиз катта бўлиши керак.

Яқин кунларда Машхурахон ая яшаётган фойзли хонадонда яна байрам руҳи ҳукмрон бўлади. Эзгу ишлари билан маҳалла аҳлининг эътиборини қозонган онахонни хотин-қизлар байрами билан қўлагани фарзанду набиралари, яқинлари, кўни-кўшни ва маҳалладошлари бу ерга йиғиладилар.



Тошкент шаҳри

Холида МИРСАЛИМОВА

Сурхондарё вилояти


ТАШАББУСКОР РАИСА

Бугун юртимизда эл ишига камарбаста, халқ ташвиши йўлида меҳнат қилаётган шижоаткор аёллар ҳақида кўп иштамиз. Айниқса, улар орасида минглаб аҳолига раҳнамолик қилаётган, уларнинг дарду қувончи билан ҳамнафас яшаётган, муҳтасар айтганда катта бир маҳалла ёки қишлоқни бошқараётган хотин-қизлар борлиги қувонтиради кишини.

Термизлик ташаббускор аёл Дилбар опа Муҳаммадова ҳам мана бир неча йилди, тумандаги Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилиб келмоқда. Йиғинга қарашли ўн та маҳалла оқсоқоллари, фаоллари опага энг яқин кўмақдош. Асосийси, айни пайтда ҳудудда амалга оширилаётган ишлардан яратилаётган қулайлик ва имкониятдан маҳаллалар аҳли миннатдор.



Самарқанд вилояти



Бўлунгур туманидаги Уртабўлоқ қишлоқ фуқаролар йиғини кўп жабхаларда илгариларда бормоқда. Хусусан, йиғинга қарашли Янгиобод, Бешқартон, Ботбот маҳалларида яшовчи 13 минг 200 нафар аҳолининг ижтимоий турмушини яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш, оммавий спорт турларини ривожлантиришга қаратилган қатор ибратли ишлар амалга оширилаётган. Айниқса, Сихат-саломатлик йили муносабати билан ҳудудда яшовчи аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, ёшларни маънан соғлом инсонлар қилиб камол топтириш масалалари қишлоқ йиғини раиси Шароф Усмоновнинг диққат-марказида. Шу эзгу мақсадлардан ташкил этилган кутубхонада 5 минг 200 га яқин адабиётлар ҳамда бир қатор матбуот нашрлари мавжуд. Ҳозирда йиғин раиси маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда яқинлашиб келаётган 8 март — хотин-қизлар байрами ҳамда Наврўз байрамини кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

СУРАТДА: қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш.Усмоновлар билан байрамолди хозирлик ишларини режалаштирмоқдалар.

Н.Алмуродов олган сурат.

МАСЛАҲАТЧИ: У ЎЗ ИШИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БИЛАДИ?

Бу кўрик-танловда аниқланди

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ва вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ҳамда Вазирлар маҳкамасининг ушбу Фармони бажариш юзасидан қабул қилган қарорини бажаришда маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ибратли ишларини рағбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида **"Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси"** кўрик-танлови эълон қилган эди. Хотин-қизлар байрами — 8 март кунини арафасида эса ушбу кўрик-танловга яқун ясалди.

Вилоят маҳалла Марказида ўтказилган якуний босқичда 4 та шаҳар ва 15 та тумандаги биринчи босқичда қолиб қикан маҳалла маслаҳатчилари, вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталари раислари, "Маҳалла" жамғармалари бўлими ва бўлинмалари раислари, ички ишлар ходимлари, фаоллар қатнашдилар.

Маслаҳатчилар кўрик-танловнинг 6 та шarti — фото стенд ва видео тасма, ўтказилган умуминсоний, миллий ва диний қадриятлари тарғиб этувчи турли тадбирлар сценарийсини тақдим этиш, маҳаллада юритилаётган "Оила спорти" таҳлилидан келиб чиққан ҳолда тузилган ижтимоий ҳимоя режаси билан таништириш, "Мен диний маърифат ва маънавий-ахлоқий

тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида ўзинини нимадан бошладим" мавзусида ўз фаолияти ҳақида сўзлаб бериш, оилаларда тинчлик ва тотувлик, маҳаллада барқарорлик муҳитини шакллантириш борасидаги савий-харакатлар ҳамда мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш бўйича воқеий бир сўзга кўринишини намойиш этиш, маслаҳатчининг вазифалари бўйича тузилган тест саволларига жавоб бериш юзасидан маҳорат ва билимларини намойиш этидилар.

Марғилон шаҳридаги Гуриаввал маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Жамилахонов Аҳмедова кўрик-танлов якунига кўра биринчи ўринни эгаллади. Ҳайбат аъзолари Бешарик туманидаги Новақат, Олтинар туманидаги Азимобод, Фарғона туманидаги Водал, Фарғона шаҳридаги Гулистон, Риштон туманидаги Дорул Омон, Данғара туманидаги Янги қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинларининг маслаҳатчилари Гулнораҳон Хайдарова, Санобархон Ҳасанова, Улмаксон Ёқубова, Донохон Мамажоннова, Ойшаҳон Каримова, Ойшаҳон Йўлдошевлар фаолиятига ҳам юқори баҳо беришди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева, Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Толибжон Ҳафизов, "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи Тоиржон Абдурахимовлар маҳоратнинг синовида айланган тадбирга юксак баҳо бердилар ва қолибларни, тадбир қатнашчиларини қутладилар.

Тадбир охирида кўрик-танловда қолиб қикан маслаҳатчиларга ким-матбаҳо совғалар топширилди.

Кодир ШОДМОНОВ, "Mahalla" муҳбири,

Наманган вилояти

ЕТАКЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Шеърят ва ғазал мулкисининг султони Алишер Навоий номи билан аталувчи маъруз мазкур маҳалла Чортоқ шахридаги энг нуфузли маҳаллалардан саналади. Бу ерда 4 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Хайрли ва ибратли ишлари билан тилға тушган маҳалла фуқаролар йиғинига Роҳилахон Нишонов раислик қилиб келмоқда.

У кўп йиллар маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, педагог-тарбиячи лавозимларида ишлаб бой тажриба орттирган. 2003 йилдан уни маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлашди.

Маҳалла етакчиси дастлаб маҳалла идорасини таъмирлашга киришди. Бу борада ҳомийлар кўмагидан фойдаланилди. Маҳаллада яшовчи 32 нафар ногирон, 17 нафар боқувчисини йўқотган инсонлар, 40 та кам таъминланган оилалар раиснинг доимий эътиборида. Улар ҳомий ташкилотлар, тадбиркор ва саҳаватпеша инсонлар оталиғига бириктирилган. Шунингдек, 12 нафар уруш фахрийлари ҳам маҳалла мададидан баҳраманд бўлишмоқда. Хусусан, ўтган Мехр ва муруват йилида 119 нафар ана шундай эҳтиёжманд оилага 1059315 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллада тадбиркор аёллар сафи кенгайиб бораётганлиги ҳам қувонарли. Маҳбуба Болтаева, Дилфуза Раҳмонова каби бундай инсонлар маҳалла аҳлининг турмушини яхшилашга, ҳаётини фаровонлаштиришга ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан 30 нафардан зиёд хотин-қизларга касб ўргатилиб, чеварчилик фаолиятига йўналтирилди. Шуҳрат Ҳамидов раҳбарлик қилаётган "Зилола" кичик қорхонасида 20 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Раҳимахоннинг қисқа, ammo мазмунли иш фаолияти маҳалладагиларни бефарқ қолдирмади. Уни Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайлашди.

М.КОДИРОВ

Тошкент шаҳри

КИЧИК ДҮМБИРОБОДА КАТТА БАЙРАМ

8 март нафақат хотин-қизларимизга, балки барча юртдошларимизга қувонч бағишлайди. Зотан, муниц онажонларимиз, опа-сингилу, турмуш ўртоқ ҳамда қизларимиз юзидаги бахтиёрлик, ҳаётдан мамнулик туйғуси бизни ҳам қувонтиради, бахтиёр этади.

Чилонзор тумани кичик Дўмбиробод маҳалласи аҳли кунни кеча "Дўмбиробод" тадбирлар уйига йиғилдилар. Шу кунни маҳалланинг саҳоватли одамлари, турли ташкилотлар ҳомийлигида катта байрам тадбири ўтказилди. Унда эл севган санъаткорлар Камолитдин Раҳимов, Ҳожиакбар Раҳматов ҳамда Юнус Ражабий номдаги педагогика институти талабалари йиғилганларни ўзларининг санъатидан баҳраманд қилишди.

— Биз одамларга, маҳалладошларга янада яқинроқ бўлиш учун ана шундай тадбирларни уюштирамиз, — дейди маҳалла оқсоқоли Комилжон Қаюмов. — Одамларга яқинлик эса бизнинг ягона мақсад йўлида бирлашши имконини беради. Ушбу тадбир ҳам ана шундай бирлик маҳсули.

Ҳа, маҳалла аҳлининг, фаолларнинг бирлашиб, фаоллашиб ишлашига нима етсин. Мана шу тадбирнинг ўзида ҳам маҳалла масъул қотиби Йўлдош Мансуров, маслаҳатчи Рўзахон Ҳасанова, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мапура Зўфуровларнинг қўли-қўлига теғмайди.

Байрам тадбири анча давом этди. Энг муҳими бу тадбирда фақат куй-қўшиқ тинглаш, меҳмонларни ташлаш билан сийлашдан ташқари баҳор, Наврўз арафаси юмушлари режалаштирилди, хайр-саҳоват ишлари амалга оширилди.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА

"МАҲАЛЛА" ДАН МАНЗИЛИ ЁРДАМ

Сихат-саломатлик йилида бундай хайрли тадбирлар кўлами кенгайди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раёсати томонидан "Сихат-саломатлик йили" давлат дастурида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги бандлари ижросини таъминлаш мақсадида жамғарманинг куйи бўғинлари, фуқаролар йиғинлари, фуқаролардан тушаётган мурожаатларни ҳисобга олиб, турли ёшдаги ногирон фуқароларга соғлиқларини тиклашда кўмак кўрсатиш ва эҳтиёжманд кишиларга жойларда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари орқали манзилли муруват ёрдами кўрсатиш, умуман бу борадаги хайри тадбирлари қўламини янада кенгайтириш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар белгиланди.

8 март — хотин-қизлар байрами муносабати билан жойларда бу йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш бошлаб юборилди. Масалан, Хоразм вилояти Ургач шаҳар А.Баҳодирхон кўчаси, 167-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Г.Жуманиёва томонидан эшитиш қобилияти сустлашганлар учун мўлжалланган овоз кучайтириб берувчи аппарат харид этишда ёрдам кўрсатишсини сўраб қилган мурожапти қондирилиб, у "Suber sonic" фирмасида ишлаб чиқарилган шундай мослама билан таъминланди. Бундай миқдорларни кўплаб келтириши мумкин.

Шунингдек, жамғарма ва "ERA chemie production GMBN" қорхонаси ўртасидаги келишувга асосан, кам таъминланган оилалар аёллари, табаррук онахонларимиз байрам арафасида майишй ва шахсий гигиена махсулотларидан баҳраманд бўладилар. Бундай тадбирларни айниқса, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кўплаб ўтказишни режалаштирилган.

Мадина МИРЗАЕВА

**Азиз опа-сингилларимиз!
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
"Маҳалла" жамғармаси Сизларни
гўзаллик ва баҳор байрами —**

8 март

**билан самимий қутлайди!
Сизларга сиҳат-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик,
ишларингизда муваффақият
тилайди.**

**Ҳамиша бахтиёр, гўзал ва
севимли бўлинг!**



Аёллар

**Т
У
Р
Ф
а**



ФРАНЦИЯ-НИНГ

Буш дю-Рон департаментига қарашли Аршакрида яшовчи кампир Жанна Кальман 118 ёшини нишонлаганига ҳам анча бўлди. У маршал Мак-Маган ҳукмрончилиги пайтида туғилган. Ушундан бери 20 президентни даврини бошидан кечирди. Кампирнинг ҳали эс-ҳуши жойида, хотираси тиниқ, бироқ кўзлари хиралашган, кулоқлари ёмон эшитилади. У кунни донга сигарет чекиш ва "Порто" виносидан бир қадах ичиш билан ўтказиш одатини яқидagina ташлади.

"ҚАҲРАМОН" БЎЛГАН ОНАЛАР

Чилидаги қишлоқлардан бирида яшовчи Леонтина Эспиноза етти марта "Қаҳрамон она" унвонини олган бўлган. Негаки, унинг 73 нафар фарзанди бор. У 63 ёшда. Бироқ шу ёшдаям етмиш туртинчи фарзандини кўрди. У 16 марта одатдагича туққан, 23 марта кўплаб, яъни 12 марта эгизак, 11 марта уч эгизак туққан. Аммо Эспинозанинг кўп фарзандлилик хислати болаларига негадир "юкмаган". Унинг атиги 11 нафар набираси бор холос.

НОРВЕГИЯДА ЯШОВЧИ

Карип Еллингсон ўзига хос рекордни ҳисобланади. Карин бувининг 55 яшар қизи, 39 ёшли набираси, 21 ёшли эвараси бор. Унинг эвараси фарзанд кўриб, бувининг чеваралик бўлгани билан табриклаган ҳам. Энди улар орасидаги фарқи ҳисоблаб олаверинг.

НАФАҚАХЎР СПОРТЧИ

Норвегия ҳукумати бувижонларнинг ўзига хос фестивалини ўтказди. Унда кампирлар кутмаган мусобақалар ўрин олган. Масалан, парашютда сакраш, мотоцикл пойга-си, сув остида сузиш ва шунга ўхшаш қийин синовлар. Қизиғи шундаки, режалаштирилган мусобақалар қанчалик қийин бўлишига қарамай, унда қатнашувчилар мингдан ҳам ошиб кетди. Улар орасида тўрт набиранинг бувиси, Норвегиянинг Бош вазири 54 ёшли Гру Харлен Брундланд ҳам борлигига нима дейсиз?

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

19 МАРТ — УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ КУНИ

Юртимизда бугун яна баҳор нафаси уфурмоқда. Қалбимизга яшариш, янгилашиш, илиқлик олиб кирган бу фаслда дилимизга тугиб қўйган орзу-ниятларимиз ҳам, режаю мақсадларимиз ҳам, уларни амалга оширишга бўлган иштиёқимиз ҳам ўзгача. Ҳадемай ер юзини қоплайдиган кўм-кўк майсаларнинг, дов-дарахтлар гулларининг хушбўйдан сархуи бўлмаган кишини учратиш қийин. Қолаверса, халқимизнинг севимли байрами — Наврўз эшик қоқиб турибди. Уни қарши олишга ҳозирлик ишлари айни кунларданок бошлаб юборилган.

Зеро ана шундай масъулиятли паллада одамларимизни жипслаштирувчи, уларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирувчи ришта бу ҳашар ҳисобланади. Ҳашарда халқ ибораси билан айтганда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишиларнинг барчаси иштирок этадилар. Кўча ва хиёбонлар, хонадонлар атрофи тозаланиб, бу ерларга яхши ниятлар билан ниҳоллар экилади, муҳтожларга меҳр-муруват кўрсатилади. Қисқа қилиб айтганда умумхалқ манфаатига қаратилган бу анъанавий тадбир юртдошларимизга хос бағрикенглик, ҳамжихатлилик, меҳр-оқибатлилик сингари инсоний фазилатлар билан ҳамоҳангдир. Шу боисдан ҳам у асрлар оша миллий қадрият сифатида сақланиб келаяпти.




Бу йил ҳам Наврўз — умумхалқ байрамини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш, айём арафасида турар-жой, маҳалла ва гузарларни, майдон ва хиёбонларни ободонлаштириш, мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши эълон қилинди. Унга кўра баҳорнинг илк ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 19-март — умумхалқ хайрия ҳашари куни деб белгиланди.

Халқимиз одатларига хос бўлган бу тадбирларда биринчи галда кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофлари, гузар ва хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, лотоклар ва канализацияларни тозалаш, болалар майдонларини тартибга келтириш, турар-жой мавзелари, маҳаллаларда гул ва дарахт кўчатлари ўтказиш, дарахтларни оқлаш ва буташ, жойларни қурилиш ва маиший чиқиндилардан тозалаш, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш ишлари бажарилади. Шунингдек, кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз инсонлар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш каби инсоний фазилатлар намойиш этилади.

Ҳашар муносабати билан мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассалардан "Маҳалла" хайрия жамғар-

масининг банкдаги ҳисоб рақамига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказилади. Бу маблағ эса маҳаллаларни янада ободонлаштириш, маиший хизмат турларини кўпайтириш, аҳолининг кам таъминланган қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оммавий спорт турларини ривожлантириш ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили" дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга сарфланади.

Айни пайтда "Маҳалла" жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари мутасаддилари, маҳаллалар фаоллари ҳашарга аҳолини кенг жалб этиш чораларини кўрмоқдалар. Уйлаймизки, ушбу эзгу тадбирга ўз навбатида фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар, фаоллар ўз ҳудудларида белгиланган ишларнинг бажарилишида, оммавий сафарбарликни таъминлашда бош бўладилар.



Баҳор насими...

НАВРЎЗ КЕЛАЁТИР...

Ниш урган куртакнинг ёноқларида, Кўкларни опичлаб келмоқда Наврўз!

Наврўз келаётин қир адирларда, Соилар у қирларда қизғалдоқ бўлиб, Наврўз келаётин кенг водийларда,

Наврўз келаётин поз-шва билан, Мушток кўнгалларга севинчлар солиб.

Наволар самони кетгудай тугиб, Наврўз алғирларни янрайди бирим!..

Тоғу дашт, Қизилқум сойларига, Наврўз хириб борар лола кўтариб.

Хосияти улуг халқона байрам, Тугиллик бахш этиб келавар доим!..

Саховат нурига йўғрил, эй осмон, Дилларга ором бер, эй сарвар сабо!..

Баҳорой энтиқиб, эҳтиром айлар, Боғларнинг оромбахш кучоқларида.

Айланай, Наврўзим, ғурурим, бахтим, Бир умр улуг бўл, элимга эш бўл.

Менглибой МУРОДОВ

Эътироф

ШУКРОНАЛАР КУНИДИР БУГУН

ёки Истиқлолимиз шарофати ҳақида

Ҳа, инсонни Аллоҳ Таоло азиз ва муқаррам этиб яратган. Ҳатто илк бор отамиз Одам алайҳиссаломни яратганч, у кишида илму ҳик-

Лекин Аллоҳ Таоло бандаларини синаш учун уларни ёмон йўлларга чорлайдиган шайтонни, фақат ўз фойдасини кўзлайдиган нафс ва шавхоний хирс каби кучларни ҳам уларга ҳамроҳ этиб қўйганки, бутун

Ўзим тўғримда қисқача айтадиган бўлсам, ота-онам 1932 йили Ўзбекистондан Шарқий Туркистоннинг Ғулжа шаҳрига кўчиб бориб қолганлар.


диган вақтлар ҳам бўлди. Масжид очиб, ҳаж-умраларга бориш, диний китоб чоп этиш

Биргина мисолни оладиган бўлсак, пойтахтимизнинг марказий қисмида жойлашган Кўкалдош мадрасаси мустақилликдан олдин

Ортимизда ўтган қисқа давр мобайнида асрларга арзигулик хайрли ишлар қилинди, десак муболага бўлмайди.

Яратганнинг ўзидан юртимизни янада обод бўлиши, халқимизнинг эса ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бой бўлишида омадлар ато

Абдулбори хожи Иброҳим хожи ўғли



МАВСУМ

КҮЙ (21.03-21.04)

Мақсадларингиз йўлида режасиз иш қўришингиз доимо сизга панд беришига

СИГРИ (22.04-20.05)

Жиддий масалаларни хал қилишда эҳтиёткорроқ бўлинг. Ушбу ҳафтада соғлигингиз билан боғлиқ

ЭГЗИКАКЛАР (22.05-21.06)

Таваккал ҳар доим ҳам яхши натижа бермаслиги мумкин.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Ҳафта мобайнидаги нозуқ ҳаракатларингиз оилада ёки халқ билан

АРСЛОН (23.07-22.08)

Баҳаринингиз керак бўлган шахсий юмушларингиз бир мунча кайфиятингизни бузади.

ПАЗИЗОД (23.08-22.09)

Фарзандларингиз ва яқин инсонингиз хатти-ҳаракатлари сизни асабийлаштириши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Оилада юзага келадиган келишмовчилик ва кўнгликлар билан қай йўлда хал бўлиши сизга боғлиқ

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ушбу ҳафтада уйламай гапирган ҳар бир сўзингиз пайт пойлаб юрган душманларингизнинг "хужум"га ўтиш

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда молиявий муаммоларингизни хал қилишга кўнгликлар билан

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)

Хатоликларга йўл қўймаслиқ учун ҳис-туғйуларни четга сурган ҳолда, ақл билан

КОВФА (20.01-18.02)

Ўз кўнглингиз ва салқинликнингизга бўлган ишонч сизни ҳар қандай ноқулай вазиятлардан

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Режаларингиз йўлида манфаатларингизни ўзгалардан устун қўйиш каби нуқсонингиз ёмон

Хоразм вилояти Оксоқлар Кенгаши ва "Махалла" жағмармаси вилоят бўлими

Тадбир



КАМОЛОТ АСОСИ

уни мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги мустаҳкамлайди.

Тошкент шаҳри

8 март — хотин-қизлар байрами арафасида Акмал Икромов тумани Оқтепа маҳалласида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилояти

Миришкор кишлоғида эса янги спорт мажмуаси қурилиши давом этмоқда. Тумандаги С.Раҳимов, Н.Нуриддинов, Ҳ.Абдуллаев, Беруний, Ойбек, З.Диёр номи

Бугунги кунда ёш авлодни жисмонан баркамол, маънан етук инсонлар сифатида вояга етказиш масаласига давлатимиз томонидан алоҳида

Ёшларда маънавий ва ахлоқий сифатларни қарор топтиради китобларнинг аҳамияти катта эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Инсоннинг маънавий борлиги доимо китобга эҳтиёж сезиб туради. Доимий мутлоаб билан шуғулланган кишининг маънавий олами тобора гўзаллашиб бораверади.

Тумандаги мактаб ўқувчиларининг 95 фоизи дарслик ва ўқув кўпнама-лари билан тўлиқ таъминланган.

Сўғлом авлод тушувчаси маънавий, илмий етуқликни, қолаверса, жисмоний баркамолликни, руҳий мустаҳкамликни талаб қилади.

Ўтган йилларда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун, айниқса, кишлоқ жойларда қулайликлар етарли эмас эди.

Биз бошқа соҳаларда бўлгани каби бир ёқлама, тўр қоллидаги фикрлардан батамом воз кечиб, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиб туришимиз ёшлар тафаккур олами-ни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз бошқа соҳаларда бўлгани каби бир ёқлама, тўр қоллидаги фикрлардан батамом воз кечиб, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ этиб туришимиз ёшлар тафаккур олами-ни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТАБРИК Қадри ва меҳрибон оишжонимиз Сайёра она! Сени таваллууд кўнглингиз ва яқинлашиб келаётган 8 март —

Mahalla Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахир хайъати: Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА, Бахтиёр РИЗАЕВ,

Ўзбек фёли

Бу кўприк олис Сурхон воҳасидаги қўқна Боботоғ этагидан оқиб ўтувчи Кўксой устида бунёд этилган. Тоққа чиқувчи саёҳатчилар борми, лола,

Кўприқдан кўплар ўтар...

Дарвоқе, кўприк тоғ одамлари билан адирликка туташ кишлоқ одамларини бирлаштирувчи, узогини яқин қилувчи иншоотдир.

иложи йўқ. Сойдан ўтиш хавфли-хатарли. Норбўта чўпон ёлғизоёқ кўприк қуришни ихтиёр этади ва дўстлари,

Дарвоқе, яхшилиқ ва савобнинг ҳикматиға айланган ишбилармонлик Норбўта чўпон номини абадийлаштирган эди...

Дилмурод СОДИКОВ, талаба.

Поштахона театрларига

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ "ЎЗБЕКТЕАТР" ИЖОДИЙ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИНИНГ 65-ИЖОДИЙ МАВСУМИ

- 6 дан 20 мартгача. (15 март дам олиш кун): Р.Маъдиев, Ф.Олимов "Бахтли бўл, дугонажон" 21 март. Душанба: ДАМ ОЛИШ КУНИ 22 март. Сешанба: ДАМ ОЛИШ КУНИ 23 март. Чоршанба: С.Имомов, Ф.Олимов "Сойибхўжа операцияси" 24 март. Пайшанба: Н.Ҳошимов, А.Ҳошимов "Додагинам" 25 март. Жума: С.Имомов, Ф.Олимов "Сойибхўжа операцияси"

Театр маъмурияти томошабинларнинг тақлиф ва истаklarини эътиборга олган ҳолда репертуарга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Спектакллар шанба ва яшанба кунлари 17.00 да, қолган кунлари 18.00 да бошланади. Дам олиш кун — сешанба

СП ООО Утерянную лицензия 3026 выданную на имя гражданка Турции USLAM KOCQA разрешающую работу в ч/ф "МАХАММАДУ" считать недействительным. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокимиятида рўйхатга олинган "ИМҚОН-ОМАД" МҶТ тугатилди. ОКПО: Т7002925 ОКОНХ: 14965. Даво ва арзизалар 1 ой муддат ичиде қабул қилинади. Тел: 133-45-13.

Тахир хайъати: Шўррат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Тънаберди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.